

94
Е-99

Ғ. ӘЛИМАНОВ

АБАДЦАТ ОСТОНАСИ

(Тум ота, Араб ота, Осмона бобо,
Ок махумт, Мунг ёшуу арча)



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____

--	--

АБАДИЯТ ОСТОНАСИ

(Тим ота, Араб ота, Остона бобо, Оқ махит, Минг ёшли арча)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAKSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAKSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент – 2017

Тузувчи — Ғафур ЭШМАНОВ, филология фанлари номзоди
Масъул муҳаррир: Очил ХАЗРАТОВ, журналист
Мусаххих: Умида ЖҲРАЕВА

Ушбу китоб отам Жура бобо
хотирасига бағишланди.

Тим кишлоғи ва унинг атрофи узок ўтмининининг тарихин
илдизларини бағрида сақлаган маконлардан бири ҳисобланади.

Жумладан, жаҳондаги турли савдо билан алоқадор
жойларда, қадимги "Ипак йўли қўналғалари"да тимлар қуриш
ишлари анъаната айланиб қолган. Ҳўш, Тим ота ва айнан савдо
сотик ишлари олиб бориладиган жойларда тимлар қурилиши
борасида қандай ботлиқлик ва алоқадорлик бор?

Шу фикр аниқки, ипак йўли қарвонларининг маилхур
қўналғаларидан бири Тим кишлоғида қачонлардир жуда катта
ҳажмдаги савдо ишлари олиб бориётган. Бу жой азиз авлиёлар
мақони. Бир томони чўл, бир томони тоғларга тутташиб кетгани
билан ҳам аҳамиятли. Шунингдек, Тим кишлоғида аҳолини
ичимлик суви билан таъминлайдиган "Али тош", "Ғириллоқ" ва
"Чилла булоқ", "Қора булоқ" каби қўшлаб шифобахш хусусиятга
эга бўлган булоқлари мавжуд.

Кескалардан ушбу хушманзара жойга қўшлаб савдогар, савҳ
ва меҳмонлар дам олгани келгани, савдо ири даражасига
кўтарилган Тим отадан йўл-йўриқлар олгани ҳақидаги
ривоятларни эшитганман. Илмда эса ҳар қандай ривоят асосида
ҳақиқат асослари бўлиши таъкидланади.

Эътибор беринг! Асрлар оша, "Тим ота" хурматида, асосан,
савдо ишлари олиб боришдан сўйрада тимлар қуриш ва жойларни
обод этиш ишлари йўлга қўйилган эмасмикин.

Хуллас, бу китобни ўқисангиз олимларнинг қўллаб қан
оламига тегишли маълумотларига эга бўласиз.

ТАҚРИЗ

Самарқанд шаҳри ва унинг атрофи. Бу заминда не-ис
синоатлари яширин, ҳалигача ўрганилмаган, илмий тадқиқотларга
тортилмаган, фан оламида қорғимизга нобрат ва фохр бўладиган
жойлари кўп. Шулдан бири Самарқанд вилояти Нурабод
туманидаги Тим кишлоғи атрофидаги муборақ қадимжолардир.

Мен бу фикрни филология фанлари номзоди Ғафур
Эшмановнинг "Абдиқот остонаси" китобида тўпланган бир-
биридан қизикарли мақолаларини ўқиб айтмоқчиман. Сабаби
китобда тасвирланган "Тим" кишлоғи, сирли булоқлари, энг
асосийси, унинг атрофидаги тарихий ва архитектуравий ечимларга
эга бўлган қўшлаб иншоотлар ва тарихий шахслари ҳақидаги
маълумотлар мени қизиктириб қўйди. Айниқса, жаҳон фани
томонида эътироф қозongan Абу Райхон Беруний, Ибн Сино,
Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва қаторлаб бизга
номтаълим бўлган яна қанча-қанча азиз авлиёларнинг эътиборига
тушган сир-синоатга бой бу замин бўлуни қунда ҳаёлимда қайта
жонлантилай бўлди. Танқиси архитекторлар Г.Пугаченкова,
П.Зоҳидов, Б.Ғафуров, М.Мирсупова ва эндигина илмга кириб
келётган ёш архитектор С.Жўраевларнинг илмий мақола ва
таъжрибаларини ўқиб чиқдим. Ушбу китобдаги Тим ота, Араб ота,
Остона бобо, Оқ маъит ҳақида ёзилган мақолалар эътиборимни
тортди.

Ўзбекистон мустақиллигининг ҳаётбахш имкониятлари
тарихин ҳам тирилтиришга қолдир эканлигини эътироф
этмоқчиман. Хуллас, ушбу китобни ўқисангиз фикрларимнинг
асосини эканлигига тўвоҳ бўласиз.

Юқориларидан хисобга олган ҳолда "Абдиқот
остонаси"ни нашр этишга тавсия қиламан.

Ш.Э.Нерматов,

Тошкент вилояти халқ таълими ҳодимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
институтини ректори, педагогика фанлари номзоди

ТАҚРИЗ

Ота-боболаримизнинг бой маънавий ва моддий меросларини ёшлар оғига синдириш бўлувчи куннинг энг асосий вазифаларидан биридир. Бу борда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Исмоил Қаримовнинг "Юксак маданият енгилмас куч" асарига "Моддий ва маънавий оламни бахиссоли парвоз қилаётган кўшнинг икки қанотида қисқасак, ўйлаётганки, ўринли бўлади" деган фикрлари замирида ўсиб улғайиб келаётган ёшлар оғига борлик ва унинг маънавий оламни кенгайтириш заруратини ифодалаган эди. Шунинг учун ота-боболаримиз томонидан қолдирилган меросга ҳурмат бўлувчида етказиб келинади.

Филология фанлари номзоли Гафуржон Эшматовнинг ўн янаб катта бўлган кишлоқ халқда туғилган бой номини маълумотлари асосида ёзган "Абдиқит оstonаси" китоби ҳам ана шундай самарали мақсадлар йўлида қилган ижобий интириш хисобланади.

Мен "Абдиқит оstonаси" китобини сингизиб ўқиб чиқдим. Ўзим ҳам ушбу китобда тасвирланган "Тим" кишлоғи ва бу ажойиб кишлоқ ҳамда унинг атрофидати тарихий ва архитекстуравий ечимларга эга бўлган кўлаб иншоотлар ва тарихий шахслари ҳақидаги маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, Г.Путаченкова, И.Расулов, Б.Валихўжаев, П.Зоҳидов, Б.Гафуров, Султонмурод Олим, М.Мирюсупова ва С.Жўраевларнинг Тим ота, Араб ота, Остона бобо, Оқ маъит, Минг ёшли арча ҳақида ёзган илмий фикрлари эътиборимни тортди.

Она Ватанимизнинг бу қаби сирли жойларидан фақатгина тилшиқлар эмас, агар таъбир жоиз бўлса, дунё ахли хабардор бўлиши лозим.

Мен Гафуржон Эшматовнинг "Абдиқит оstonаси" маърузидаги китобини нашр этишга мамнунлият билан розилик билдираман.

Сайдахбор Собитович Бўлатов,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика институт профессори,
педагогика фанлари доктори

МИЛЛИЙ МЕРМОРЧИЛИГИМИЗ ҚАДИМ НАМУНАСИ

Ўзбек халқи ўзининг узок тарихи мобайнида туғанмас, қулуқ, бой бир маданият яратди, десам, бу гапни миллий мактабчиликка йўймасиз.

Афсус, мустақиллик даврида бу мулкимиз қадрига тўла етган эмас эди. Биргина мисол келтираман. Шарқ тарихининг жаҳондаги энг йирик билимдони бўлиш акадмик В.В.Бартольд 1922 йили 1006/1007 йили қурилган Қобус миносини, муслмон мърморчилиги ичидати энг қадимий ёдгорлик, деб қайд этган эди.

Холбуки, муслмон дунёсидаги хозиргача сақланиб қолган санаси аниқ мърморий биноларнинг энг қўхнаси ҳам — ўзимизнинг Ўзбекистонда. Самарқанд вилоятидаги Нуробод туманининг аҳоли инебатан энч яшайдиган жойлардан 60 қақиримча нарида — бир ёни тоғ, бир ёни чўл бир овлоқ ердаги Тим кишлоғида.

Бу ерда аҳоли Араб Ота қабристони деб юртадиган мазорда бир тўла макбара бор. Бино пептоқига қўйй ёзувда унинг хажрий 367 йилнинг раби ул-соний ойида, яъни миллидий 977 йилнинг октябда қуриб битказилгани қайд этилган. Демак, иморат туғтилган пайтда Бўхоро мамлакатида сомоний ҳукумдор Нуҳ ибн Мансур тахт сўрап эди. Бу амирни улут алоамимиз Абу Али ибн Сино таржиман холидан яхши биламиз. Бўлуси буюк табиб ана шу подшоҳни даволаб, эвазига сарой кутубхонасидаги китобларни ўқиш бахтига муяссар бўлган эди. "Ўшанда мен жулда қўп хонали бир бинога кирдим, - деб эслайди кейинчалик Абу Али ибн Сино. — Хар хонада сандиқлар тўла китоблар. Мен қўрган ва ўқиган хар хил китобларнинг номини кўчидик, хатто, эшитмаган ҳам. Мен ўшандай китобларни илгари ҳам, кейин ҳам қўрмадим".¹

Демак, Бўхородаги оламга машхур Исмоил Самоний макбарасидан қолшмайидиган Араб Ота ёдгорлиги юртимизда ана шундай юксак маданият тулаб яшнаган Х асрда яратилган. Бу даврнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни бекиёслитини айтиб ўтирмаса ҳам бўлар. Бу макбара тарихини ўрганган Пулат

¹ Зоҳидов П.Ш. Тимдаги макбара Т.: 1984, 3-бет

Зоҳидов ана шундай деб ёзди: "Меъмор тарихий номини ганчга битган йили Абу Райхон (яъни Беруний) беш яшар болга эди. Ибн Сино эса икки йил кейин туғилди".²

Ана шундай меросимиз, ҳатто, ўзбек фанининг ўзига ҳам бор-йўғи ўтган асрнинг 50-йилларига келибгина маълум бўлгани маданиятимизга жаҳондаги илгир халқлар давражасида эътибор бермаганимизнинг оқибати эмасми?

"Тим" сўзи — асли, форсча-тожикча. У қарвансрой, усти ёшиқ бозор, савдо растаси деган маънони англатади. Тарихдан маълумки, қор-ёмғирли кунларда асқотган. Тим борми, ёниди, албатта, қатта очиқ бозор ҳам бўлган.

Араб Ота макбараси уйдан сал олдинроқ Бухоро шаҳрида қад ростлаган Исмоил Сомоний макбарасига айнан ўхшайди. Бу макбара ҳам — тузилгани жикхатидан қуб шаклидаги ва тумбазли бир хондан иборат. Худди шундай макбара Навоий вилоятининг Қармана туманида ҳам бор. У Мирсиди Баҳром макбараси дейилади. У ҳам айнан шу самонийлар дарида XI аср бошларига бунёд этилган.

Тожиқ олими академик Ёбобжон Гафуров Узуи жамияти Оқ Остона бобо меъморий ёдгорлигини ҳам ана шу даврдан яратилган макбаралар сирасига қўрибди. Унда дарида Қармана туманида яна бир иморат қад ростлаган. Бу Дастарон масжиди. Бироқ олимлар, у VIII — IX асрларда бунёд этилган иморат ўрнинг XI асрда қурилган, деган ҳулосага келишган.³ Ўзининча, буни ҳам Марказий Осиё ва Хуросондаги энг қадимий обидалар сирасига қиритиш керак.

Тим, шу тумандаги қадимий Жом кишлоқи ва ёнида, Буҳоронинг йўлининг чорраҳаларидан бирида жойлашган. Бухоро ва Қарманадан Қаршига ўтиш йўли устида бўлгани учун ҳам у шундай вазифани бажарган.

...1993 йили бир гуруҳ зиёлилар билан ана шу кишлоқни

² Зоҳидов П.Ш. Тимдаги макбара Т.:1984.4-бет

³ Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга II — Душанбе: Издательство "Ирфон" 1989. с.70.

⁴ Қаранг: Дастарон масжиди — "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 3-жилда. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2002. 233-бет.

⁵ Бу кишлоқ тарихи хақида. Қаранг: Бердимуратов А., Сатторов А. Жом — тарихий кишлоқ — "Халқ сўзи". 2000 йил. 14 апрт.

иёрат қилгани борди. Макбара тасаввур қилганимиздан кўра ҳам тўлапроқ санъат асари ва ўйлаганимиздан кўра ҳам яхшироқ сакланган экан.

Араб Ота мазоридати макбарадан сал пастроқда яна бир обида бизни доғ қолдириди. Меъморий санъати жиҳатидан ана шу макбарадан қилинмайдиган бу ёдгорликни маҳаллий аҳоли Оқмаъит (Оқмасжид) деб атаб экан. У макбарадан бор-йўғи 20 йилгина кейин қурилган. Уни ҳам ўша машҳур меъмор бунёд этган, деб ўйланга тўда асосимиз мавжуд. Бор-йўғи бир тумбаз шаклидаги бу иморатнинг қарийб минг йилдан бери деярли шикастсиз саклангани, ҳозир ҳам тап-тайёр масжид вазифасини ўтаётганига қойил қолмай илож йўқ.

Тимдан бу икки мўъжиза таъсири тирлобидан чиқолмай турган бир пайтимизда кишлоқда жойлашган мактабдати уйрашувга бориб, хайратимиз минг чандон ортди. Мактаб ҳолисиди ана шу икки қадим обидани бунёд этган одамларни кўрди, ким билди, ўғиллар тарафиданми ўтказилган минг йиллик арча бор экан. Қадим юртимизнинг бошқа бирор ерида бундай ёшиқ улур арча бўлмаса ҳам керак. Жаҳонда ҳам, ким билди, унинг тенгдоши топиларма-йўқми?

Аmmo...

Минг афсус ва надижатлар бўлсинки, бундан икки йилгина олдин бир нодон "доно"нинг кўрсатмаси билан шундоқ ҳам кўм-кўк бўлиб кўқариб турган арчани янада яхшироқ ўстирмоқ нияжиди таъига тўғ солиб, суғоришибди. Кўп ўтмай дархт буткул қуриб қолибди. Қош қўяман-деб, кўз чиқариш шу бўлса керак? Ким билди, агар шундай ўта кўпол ҳаракат қилинганда, эҳтимол, бу арча ана минг йил яшарми эди?!

Ана шу уч мўъжиза шундан диалогат берадики, Тим шу атрофлардаги қадимий маданий марказлар — Самарқанд, Бухоро, Насаф (ҳозирги Қарши) ва Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳарларидан қилинмайдиган бир маданият ўчоғи бўлган.

Оҳ, кўҳна юртимизнинг қанчалар кўп маданий ўчоқлари бўлган-а!

Биз эса қадим обидаларимиз хақида гап кетганда, асосан, Самарқанд, Бухоро, Хиванигини таъга олиб келганимиз.

Қани, энди Ўзбекистонда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидати қайи сайёҳларга хизмат қилиш маданияти

кутарилса! Ана шунда юртимизга дунёнинг турли бурчақларидан одамлар оқиб келмайдими, дейсиз?!

Уша 1993 йили, яъни биз Тим зиёратига борган кунларимиз маъбулда Вазирлар Маҳкамасида "Мерос" дастури муҳофизат қилингани ҳақида хабар босилган эди⁶. Истиклолимизнинг ўтган чорак асри мобойида ўзбекистонимизда туризмни ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Юртимизга келадиган сайёҳлар сони йил сайин кўпайиб бораётти. Бу борада қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари, амалга оширилган дастурлар, қадимий шаҳарларимизни обод қилиш, улардаги обидларни асраб-авайлаш, таъмирлаш янги-янгиларини бунёд этиш, меъморчилигимиз тарихини ўрганиш борасида қилинган ишлар ёритилса, бир катта китоб бўлади.

Умид қилиш мумкинки, яқин келажакда Ватанимизнинг энг муҳим қадимий қадимжоларини бир йўла зиёрат қилиб чиқиб имкони бўладиган сайёҳлар уюштиришнинг узок йилларга мўлжалланган пухта ва пишиқ дастурлари ишлаб чиқиладди. Чунки сайёҳ Ватанимизга бир юртдан ўз-ўзини кўтариб келмайди-ку, ахир. Ҳар бир хорижий сайёҳнинг мамлакатимизга қадим ранжиди қилиши маблағ дегани – валюта дегани.

Бир пайтлар жаҳонда энг маданиятли масканлар экди ҳам маданий тараққиётнинг ана ўша олдинги ўринларига чиқиб керак. Бу мақсадларимизга етишимиз йўлида ота-боболаримиз яратиб кетган қадим иморатлар бизга қанчалар ақотилишни энди кўрасиз. Бир қув келди, ана шу минг йиллик уч ёлторлиги билан Самарқанднинг Тим кишлоғи ҳам жаҳон сайёҳлари қўлини хариталарда, албатта, ақс этади. Ўшанда ана шу маданий ёлторлиқларининг меросхўрлари бўлган тимлиқлар кишига бир мартагина бериладиган умрни бутунлай бошқача мазмун-моҳият билан ўтказа бошлайди. Тим яна қайтадан обод бўлади – шаҳарлашадди. Халқнинг дастурхони ҳам, шубҳасиз, тўкин-сонин бўлади.

Чунки бир замонлар еб-ичиш таъминларидан орттиб, шундан мўъжаз санъат намуналарини яратган қадим маданий кишлоқ аҳлининг муштамлака йилларида қолоқлашиб қолганида халқнинг заррача айби йўқ. Зотан, чинакам санъат асари яратиб учун,

⁶ Қаранг: "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1993 йил, 12 июль.

аниво, инсоннинг усти – бут, қорни – тўқ, дастурхони – тўқин бўлиши керак.

Китта-китта шаҳарларимиз туғул, ўзбекининг бир овлоқ кишлоғи ҳам жаҳон маданияти ривожига шунчалар улкан ҳисса қўшган эканими, ўзбек халқининг ўта ота-боболари қаби матрур, бои на юксак турмуш маданиятига эришган ҳолда яшапша тўла қикки бор.

Султонмурод ОЛИМ,
"Нахшбандия" журнали бош муҳаррири

МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

"Улардан бири ҳали ўрғанишмасан жабҳада ўзгалардан ўзид кетди ва ўз бунёдиди келасан акаюда мерос этиб қолдирди".

Мухаммад Хоразмий

...Тим кишлоғи тоғ дараси ёқасида жойлашган. У хозир йирик қорақўлчилик хўжалиғи "Қарноб" совхозининг гавжум маркази. Сойнинг сўл қирқотида яқса тепа кўзга ташланади. Бу - қадимги қалъанинг харобалари. Тепа ёнбағридаги кичик чашмаларда зилол суя мавжланган. Тепанинг шаркида мўъжазроқ гиштин бино кўринади. Бу минг йил муқаддам бунёд этилган ва кейинги даврларда маҳаллий аҳоли орасида Аробата мазори деб юритилган меъморий обидидир. Мазорнинг ўзи эса бор-йўғи 20 йил муқаддам фан оламига ошкор бўлди.

Бино пештокида сакланиб қолган кўфий ёзувдан аниқлашгача, ёлғорлик Бухоро сомонийлари сулоласидан бўлиш Нух ибн Мансур (977-997) ҳукмронлиғи даврида қурилган. Бу ўрта Осиё заминида Абу Райхон Бериуний (973-1048) ва Абу Ибн Сино (980-1037) қаби машҳур мутафаккир олимлар етишиб чиққан даврдир.

Меъмор тарихий номини танчга битган йили Абу Райхон беш яшар бола эди. Ибн Сино эса икки йилдан кейин туғилди.

"Бир вақтлар, эслатган эди кўп йиллар кейин кекса Ибн Сино, - Нух ибн Мансур отир қасалга йўлиқди, табиблар муолажаси шифо бермади. Бетоблик давом этаверди. Табиблар орасида мен анчайин ўқимини хисобланардим. Бу ҳақда амирни хабардор қилиб мени чақиритди. Табиблар катори мен ҳам амирни даволашда қатнашдим. У шифо топди. Шундан сунг амирнинг меғта эътибори отди".

Навқирон табиб учун сарой қоншидаги машҳур кутубхона - "Савван ул-хикмат"нинг эшиклари очилди. Ибн Синонинг ўз эътирофи диққатга сазовор:

"Ушанда мен жуда кўп хонали бир бинота қирдим. Ҳар хонада сандуқлар тўла китоблар. Мен кўрган ва ўқиган ҳар хил китобларнинг номини кўпчилик ҳатто эшитмаган ҳам. Мен ўшандай китобларни илғари ҳам, кейин ҳам кўрмадим".

Тим кишлоғидаги меъморий мўъжизаси зиёрат қиларканмиз, Бейхтиёр унинг бунёдқори Меъмори эслаймиз. Ахир унинг

омоийб ижодида ўша давр зиёлисининг юксак маданияти сезилиб турибди-да. Ажаб эмас. Меъмор ҳам худди Ибн Сино қаби йуқоридиги билим жавоҳирларидан баҳраманд бўлган бўлса.

Бино қавдрат (5,5х5,6 м) хонадан иборат, усти тумбаз билан бирилган. Олд томонида муҳташам пештоқ. Эшик тепасидаги равоқ ораси мураккаб геометрик орнамент-тирих билан безатилган. Равоқ асослари қирралор устун шаклида. Ундан юқорироқда тирихор безакли учта тоқча бор. Бинонинг тапқи тўрт бурчати шикки қиррали гулдаста бурж билан тугалланган. Девор тагига тош ётқизилган.

Меъмор бинонинг бадийий киёфасини яратар экан, у албатта ўз динининг эстетик талаблари ва кўп йиллик тажрибаси асосида ижод қилган. Унинг даҳоси мўъжаз бинота юксак нафосат билишган, маҳаллий меъморийликнинг истиқболини белгиланган билим янгиликлар қиритган.

Бинонинг таркибий тузилишини белгилловчи бадийий услуб олдин-чеган тўқимаси билан беркитилган сингкор конструкцияга тақлид тарзида намоён бўлган. Тапқи ва ички девор сатҳлари кўш катор гишт билан терилган, уларнинг чоклари маълум тартиб билан хошьялаб чиқилган. Оқибатда девор сатҳи гиштин тўқима тасвуротини беради. Меъморнинг нафис пардоз қалами танч шуюк устидан моҳирлик билан турли гулдор хошьялар чизган. Айниқса пештоқ безакларга бой.

Бино ичкарасига қиритган сари тўқималар жимжимаси тобора қуюқлашиб боради. Тумбаз ости қисми саккиз қиррали. Ҳар қиррага шифис устунча ўрнатилган. Устун анъавий шакли-курси, тана, боша, (киптеиль) қаби қисмлардан иборат. Айниқса боша тузилишида ўсимликсимон шакллarga тақлид аниқ кўзга ташланади.

Ёлғорлик меъморий жихатдан шак-шубҳасиз катта аҳамиятга эга. У санаси аниқ ўрта Осиё макбаралари каторида энг қадимгиси шифтида эътиборни жалб этади. В.В.Бартольд 1006-1007 йилда қурилган Қобус минососини муслмон меъморийлиги ичида энг қадимгиси, деб 1922 йилда таъкидланган эди. Тимдаги ёлғорлик эса 367 хижрий йил раби ал-соний ойида, яъни 977 йилнинг октябр ойида тугатилгани қайд этилган. Макбаранинг пештоқи ҳам ўрта Осиё меъморийлигида ана шундай шаклнинг пайдо бўлиши ва тараккиёти мунозарасига аниқлик қиритади.

Қадимги маданият марказлари Бухоро, Самарқанд, Насаф

(Карши) ва Кеш (Шахрисабз) шаҳарларидан узокда, серкатион йўллардан четроқда, чўлга туташ жойда шундай меъморий мўжиза яратилгани даътаввал тасолифдек кўринади. Кейинги текширишлар ҳақиқатни аниқлади. Тарихнавис Ибн ал Факх (X аср) ва Ёқулларини (XIII аср) кўрсатишича, ўрта асрларда Сўтдиёнининг Тим манзилги машхур кенглар каторида кирган. Археологик тадқиқотлар аниқ далиллар билан исботлашган. Тим Самарқанддан Бухорога, Насардан Зарафшон воҳасига, аниқроқи пойтахт шаҳар Кўшониё тарафига борувчи қарвон йўлларининг чорраҳасида жойлашган экан. Афсуски, ҳали ҳам Кўшониё шаҳрининг ўрни аниқламаган.

Меъморнинг ижодий даҳоси ҳеч шубҳасиз кишини хайратга солади. Тимдаги Аробата макбарасига ўрта асрлар меъморчилигининг асосий ютуқлари ўз ифодасини топган. У маҳаллий архитектура тараққиётидаги шакл ва ғоядан келиб чиқиб манбаларини аниқлашга ёрдам беради.

Истеъдодли номалум Меъмор томонидан бунёд этилган бу ноёб ёдгорлик минг йиллик тарихга эга бўлса-да, нисбатан яхши сақланган.

Зохидов П. Ш.
Архитектор

УЛҒАБЕК ОВ ҚИЛГАН ПИСТАЗОР

Бўлиш бир неча йил илгари самарқандлик профессор И. И. Леонов бир гурӯҳ таъабалари билан Зирабулоқ тоғининг жанубий ён бағрига қилган саёҳати вақтида Самарқанд вилоятининг Тим деган қишлоғида кўҳна бир макбара топади. У макбарани сингиллиб кўздан кечириб, суратга олади. Макбара пештоқига араб алифбосида битилган қандайдир ёзув олимнинг диққатини жалб этади. И. И. Леонов бу ҳақда топикентлик машхур археолог М. Е. Массонга маъно берибди. Профессор М. Е. Массон Тим макбараси пештоқидати ёзувини ўқиб, макбара ўнинчи асрга тааллуқли эканини айтди. Демак, у ўрта Осиё, шунингдек кўшни ўлкалардаги бизга маълум бўлган тарихий ёдгорликлардан энг қадимийси экан. Унинг Бухородаги машхур Исмоил Самоний макбарасидан ҳам олдин қурилганини фирримизнинг далили бўла олади.

Макбара ёнида йўтонилиги бир неча қулоқ келадиган жулда катта арча даракhti бор. Одамларнинг таънига қараганда, бир вақтлар бу даракht соғида қирққа яқин бола партада ўтириб ўқиган экан. Хўш, бу арчининг ёши нечада? Бизнингча, арчанинг ёши Тим макбарасиникига тенг бўлиши керак.

Тан шундаки, бино ва макбаралар атрофига даракht экиш ўзбек қалқининг энг яхши қадимий олатларидандир. Ана шу боисдан ўрта Осиё даракhtларининг энг “кеккаси” бўлган бу арчанинг ёши минда десик янгилимайди.

Тим қишлоғидаги кўҳна арчанинг маълум бўлганига қалар Туркменистондаги Копетдогонинг Феруза деган дарасида ўсиб турган “етти оғайни” чинпори ўрта Осиёдаги энг катта ва қадимги даракht саналар ва унинг ёши 800 – 900 да деб тахмин қилинади. Лекин унинг ёшини аниқ белгилаш жуда қийин. Чунки бу чинпор ён-атрофида унинг ёшини аниқлашга ёрдам берадиган бирон тарихий ёдгорлик йўқ...

В. Расулов

“Фан ва турмуш” журнали
1 январь 1967 йилида чоп этилган

⁷ **Давбӣғ: Зоҳидов П. Ш. Тимдаги макбара**
– Т: “Ўзбекистон”, 1984. – 16б. Тит.в. ва текст ўзб., рус., нигл. нем. ва фр. тилиларда. Тиражи 10 000

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ОБИДАЛАР ҚАДИМИИ МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан бери юккак маданиятга эга бўлган кекса Туроннинг қадимий обидалари, тарихи, кўпгина жой номлари фан оламига энлигина маълум бўлиб бормоқда. Рўйи замин сайкали бўлиши Самарқанд вилоятининг Нурабод туманида жойлашган Тим кишлоғи ҳақида ҳам айнан шу фикрни айтиш мумкин.

Авалло “Тим” сўзи нимани англатади?

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “Тим” сўзининг қуйдаги маънолари берилган: **Биринчиси**, Ўзордаги усти ёшик бағанд том, яъни савдо растаси. **Иккинчиси**, Қора, қоронғулик қаби сўзлар олдидан ишлатиладиган қўчайтирувчи юккамаси. Масалан, Тим қора кўз. **Учинчиси** эса — мутлақо сир дагдан маъноларни билдиради. Агир тарихдаги афсона ва ривоятларга эътибор берсак, бу учалда маъно ҳам кишлоқ ҳақидаги мос мавжуд ҳақиқатга мос келади. Чунки “Тим” да қачонлардир савдо ишлари кент ривожланган.

Бугунги кунга келиб, кишлоқда аҳолининг кўлайиб, чўл томонга кенгайиб кетганини айтмаса, киши кишлоққа кириб келмагунча, бу ерда кишлоқ борлигига ишонамайди.

Қуёш тоғлар устидан мўралаб чиққандан кейингина кишлоққа офтоб тегади. Ва бу ер биринчилигидан бўлиб қоронғуликка ошно бўлади. Тим кишлоқнинг чўл томони яқинида “Оқ тунли” номига киёми бўлиб, у қоронғу кечанинг энг ёруғ жойи деган маънода келади. Алишер Навоий ўзининг “Насоим ул мухаббат” асариди Илёс шайхнинг таржимаи холи, сифатлари ҳақида маълумот берад экан, унинг “Тим” тоғида яшаши ва қабири ҳам ўша ерда эканига жуда аниқ кўрсатади. Ҳазрати Алишер Навоий ҳамда Абдурахмон Жомий Илёс Шайхни яхши билганликлари асар давомида аёнлашади. “Насоим ул-мухаббат” асарида келтирилган бошқа бир маълумотда Илёс Шайхнинг ўғли ҳақида сўз боради. Илёс Шайхнинг ўғли шайхзода Абдулҳасан Ҳиротта борганида Абдурахмон Жомийдан илтифотлар кўриб, туҳфалар олишти мўжасар бўлган экан, бу Илёс Шайхнинг Абдурахмон Жомийга ҳам маълум экани ва унинг хурматида саклаб, ўғлига эхтиромлар кўрсатганидан дарак беради.

Тим кишлоғида анчагина тарихий обидалар мавжуд бўлган, лекин, афсуски бу ёлғорликларни кўпчилиги бизгача тўлиқ етиб келмаганди.

Тарихшунос Пўлат Зоҳидовнинг “Тимдаги макбара” китобида “Араб ота ёлғорлиги” ҳақида сўз боради. Бу ёлғорлик ўрта Осиёда энг кекса ёлғорлик, ҳатто Ўхородаги Сомонийлар макбарасидан ҳам олдин қурилган. Тарихда бу ёлғорликни бунёд этган уста Ўхорота чақирилиб, “Сомонийлар” макбарасини қуришга жалб этилган, деган таҳмин ҳам мавжуд.

1960 йилда Тимга таширф бўлган академик Массон “Араб ота макбараси” хижрий 267, милодий 977-78 йилларда бунёд этилишини аниқлаган. Бу ёлғорлик қурилган даврда Беруний олти ишар тўлақ, Ибн Сино туғилишига эса икки йил бор эди. Бундан танқари кишлоқда “Оқ маъит” ёлғорлиги ҳам мавжуд. Қўхна тим қишлоғининг яна бир ўзига хос ёлғорлиги бўлиб, бу унинг номинини кўрсатувчи минг йиллик арзасидир. Айни пайтда у кўрнб қолган бўлсада ўз салобатини йўқотмаган.

Хуллас, Тим қишлоғи бугунги кунда узок ўтмишининг тарихий обидаларини ўз бағрида сақлаган сир-синоатларга бой миконларидан бири бўлиб, уни асраб-авайламоқ биз авлодлар иммасидир.

Ғафур ЭШМАНОВ,

“Янги аср” газетасининг

2001 йилдаги 8-май сонидан олтинди

"ТИМ ОТА" ТАРИХИ ВА УНДАГИ ЁДГОРЛИКЛАР

МУХБИР - Ўзбекистон фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институтининг талкилотчиси Ғафур Эшмановнинг суҳбатга таълиф этдик. Ғафур ака, тарихдан маълумки, Ўзбекистоннинг кўпгина жойлари фан оламида машҳур. Шу жумладан Тим кишлоғи ҳам. Бу ажойиб кишлоқ тўғрисида Ёкут Ҳамовий, Алишер Навоийнинг асарларида, ва кўплаб дostonларда айтилиб ўтилган. Шу кишлоқ тўғрисида кенгрок маълумот берсангиз.

ЭШМАНОВ - Кеска Туроннинг тарихидан кай даражада юксалганлигини ҳамма билиди. Мустақиллик сабаб кўпгина жой номлари фанга эндилина маълум бўлаётганини ҳам ҳеч кимга сир эмас. Самарқанд вилояти Нуробод туманига қарашли Тим кишлоғи ҳақида ҳам бу фикрини айтсак кишлоқ тарихий обидаларга бой ва адабиёт оламида ҳам маълум ўрни бор десак, муболага бўлмайди.

Ёкут ал-Ҳамовийнинг "Муъжуза ал-удабо" асарида кизикарли маълумотлар бор. Бу киши ўрта асрнинг машҳур адиби ва жуғрофий билимдон олими. Сайёҳлик номи билан шуҳрат тошган бу зот ўз китобида Тим кишлоғининг тарихига тўхталиб кўйдиғиларни келтириди. "Тим" насаф "Қасаф-Самарқанд суғдуларининг кишлоқларидир". Хуллас, Тим Бухорони Чи-мо-чин Хитой билан бирлаштирувчи машҳур "Ипак йўли"нинг бир чеккасидаги қарвон ёки саёҳлар қуналгаси бўлган ва бу ерда савдо-сотиқ ишлари олиб борилган. Бугунгача мазкур кишлоқда саксаниб келинаётган "Қулгўл", "Қорагадой", "Пулатчи" каби номларнинг саксаниб қолгани ҳам бежиз эмас. Тим кишлоғи ҳақиқатдан қоронғи жойда яъни тўрт томони ёппик, тоғ орасидан сойларда, пасткам жойларда жойлашган.

Бугунга келиб, аҳолининг кўпайиб, чўл томонга кенгайиб кетганини айтмасак, биров киши кишлоққа кириб келмагунча, бу ерда кишлоқ борлигига ишонч ҳосил қилмайди. Куёш тоғлар ортидан мўралаб чавқанидан кейингина кишлоққа офтоб нурлари мўралайди ва бу ер биринчилардан бўлиб қоронғиликка олино бўлади. Тим кишлоғининг чўл томонига Оқтуғли номи билан аталган қисми бор. Оқтуғ бу қоронғу кечанинг энг ёруғ жойи маъносини англатади. Чунки, кишлоқнинг энг ёруғ жойи ҳам шу ер.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси Самарқанд вилоят бўлими

истеъдодли инжондор Солижон Ҳудайровнинг "Мангу кўпик" китобини чоп этди. Китобда шу кишлоқда яшаган "Дим тапирмас" китби қандайдан ривоят қилинган. Юқоридаги фикрларни қай даражада қандайдан яқин эканлигини кўрсатиш эса булғуси талкилотчининг вазифаси ва меҳнатига боғлиқ бўлади.

Мен бир фикрми, Алишер Навоийнинг "Насом ул - маҳаббат" асарида Илс шайх ва у табаррук инсоннинг ўғли Шайхзода Абдулҳасан қандай маълумот беради. Бунинг эътиборли томони бу инсонлар Тим кишлоғидан бўлади. Бу ҳақиқати маълумотни Ботурхон Валихўжаев "Ҳужа ахбор тарихи" китобида қайд этди. Жумладан "Илс шайх-роҳматуллоҳий таолӣ Мухаммад шайх раҳматуллоҳий таолӣнинг ўғлидур. Зоҳир илмида бу сулолада ондин олимрок йўқ эрмиш ва ҳаж динидаги мушарраф бўлбдур. Арабида моҳир эрмиш ва ултин билан сулшшур эрмиш ва нозим доғи айтур эрмиш Самарқанд Тум/Тим/ тоғида сокин эрмиш. Муборак маркази гўё ҳам анда йўқсур" дея баён қилиди.

Қўринадики. Алишер Навоий Илс шайхнинг таржimaiи қили, сафатлари араб тилининг яқини билиши, шу тилда таърифи, қалто шерлар битанлиги ҳамда унинг Самарқанддаги Тим кишлоғида яшани ва қабри ҳам ўша ерда эканлини жуда аниқ баён. Алишер Навоий бу маълумотларни қасрдлар олган? Илсинингча, Алишер Навоий Самарқандда бўлган вақтида (1465-1469) турли масалалар билан қизикиши билан бирта ушбу маълумотларга ҳам эга бўлган. Ёки ҳазрат Навоий Ҳиротдан Самарқандга келиш вақти "Ипак йўли"нинг йўлининг қўналгаси бўлган Тим кишлоғига ҳам бир муддат тухтаб ўтган.

Мен кишлоқда кесалик тапштини сураётган кесаларга бу ҳақида батафсил айтганимда, улар тоғ тепалигига қўйилган қабир ҳақиқатда ҳозир ҳам мавжуд эканлигини айтишди ва бу қабир Илс шайхнинг қабри бўлса ажаб эмас.

Энди "Насойим ул-муҳаббат" асарида қолдирилган бошқа бир маълумот билан танишайлик. Бу Илс шайхнинг ўғли ҳақидаги биттиқлардир. Жумладан: "Шайхзода Абдулҳасан қаддаса сираху Илс шайхнинг ўғлидир. Ҳири шаҳрига етганда ҳазрати маҳлуний пинира мақадуху Нуран /Абдурахмон Жомий/ шарафи мажлисига мушарраф бўлиб, алардан илтифотлар топиб, алар ўз мусаннафотишдан бир китоб ва бир жойнамоз ва бир рулоқ анга берандурлар".

Демак, Илс шайхнинг ўғли Шайхзода Абдулҳасан Ҳиротта бораётганда Абдурахмон Жомийдан илтифотлар кўриб, тухфалар

OLIV VA O'RTA MAXSUS TALIYI VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHI
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

OS'BEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TALIYI VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHI
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

олишта муносиб кўрилган экан, бу Илёс Шайхнинг Абдурахмон Жомийга ҳам маълум экани ва унинг хурматини саклаб ўқини эхтиромлар кўрсатишдан далолат беради.

МУХБИР - Тим кишлоқ тарихий обидаларга ҳам бой. Бу ҳақида Пулат Зоҳидовнинг "Ўзбекистон" нашриёт томонидан 1984 йилда бешта ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларида чоп этилган. "Тимдаги макбара" китобини кўпчилиқ ўқиган. Шу каби ёдгорликлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

ЭШМАНОВ - Дарвоқий, Тимда обидалар анчагина бўлган. Буни кишлоқдаги ёдгорликлар қолдиқларидан ҳам билсангиз бўлади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, бу ёдгорликларнинг ҳаммаси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Кексаларнинг айтишича, Тим кишлоғининг Оқтуғли ва Чўкитиш қисмида яқин йилларгача тарихий обидалар ўрни ва қолдиқлари мавжуд бўлган.

Пулат Зоҳидовнинг "Тимдаги макбара" китобида "Араб ота ёдгорлиги" ҳақида сўз боради. Бу ўрта Осиёда энг кекса ёдгорлик. Тим бутунги кунда узок ўтмишининг тарихий ёдгорликларига бой сирли макони...

Ушбу эшиттириш "Ёшлар" радиоканалида 1994 йилда журналист Очил Ҳазратов томонидан эфирга узатишган.

АРАБ ОТА МАҚБАРАСИНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК РИВОЖДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хар қандай обода, жумладан меъморий ёдгорлик ўзида тарихий, билимий ва бошқа қийматлари билан қадридлир. Қийматлар турли ва хилма-хил бўлади. Аксари ёдгорликлар бунёд этилган даврга тегишли ҳақиқатларни ўзида мужассам этади. Бушай ёдгорликларнинг айримлари ҳам борки, улардаги даврга кел жихатлари илж кўришдаёқ пайдо бўлади ва кейинчалик унинг мукамаллиги туфайли кенг миқёсда қўлланила бошлайди. Ана шундай ёдгорликлардан бири Тим кишлоғидаги Араб ота макбарасидир.

Макбаранинг ўзига хослиги қандай икки: яъни типологик ва конструктив – тизимий жиҳатлар бўйича номаён бўлади. Биринчи бўлиб типологик томонини кўрайлик. Ўрта Осиёда ислом дини ёнгандан сўнг янги биноларида – макбаралар меъморлиги шаклланди. Тимдаги Араб ота макбараси, Бухородаги Самойиллар ва Қаринидаги Мир Саид Баҳром макбаралари, Мовароуннаҳр мининида пайдо бўлган, дastлабки макбаралардан хисобланади. Ушбу макбараларга Ўрта Осиё меъморлиги ривож жараёндаги ўрнни пуқтан назардан киясласак, биринчи ўринга шубҳасиз Самонийлар макбарасини, иккинчи ўринга Араб ота макбарасини ва учинчи ўринга Мир Сайид Баҳром макбарасини, қўйиш лозим бўлади.

Агар ҳашам ва маҳобатини эътиборга олмаасак, ҳажмий – тарихий жиҳатдан Араб ота макбараси Самонийлар макбарасига яқинроқ. Яқинлиги шундаки макбараларнинг тапши бурчакларида гулдасталар (бурчак безак шакллари) ва гүмбаозостки чоғ кизиллик бурчакларида декатив устунчалар мавжудлигидан иборат.

Композициялари жиҳатидан Самонийлар макбараси соф марказий композицияга эга. Марказийлик макбаранинг тўғрала томонлари ўрталарида қиравериш равоклари, тепаларида равотак (ривоқлар катори) жойлашуви ҳамда гулдасталар қўлланishi оралиги хоси бўлади. Мир Сайид Баҳром макбарасида фронталлик сингаллар мавжуд. Фронталлик қиравериш томонининг бошқа томонларига нисбатан қиррали гулдасталар ҳисобида бирмунча кенгайтилишида намайён бўлади.

Араб ота макбарасида ҳам умуман марказийлик (ташқи бурчакларидаги гулдасталар) ва айни вақтда фронталлик (киравериш томонигишток тарихида ҳал этилган). Кези келганда шуни айтиш ўринлики, марказийликдан фронталликка ўтish жараёнини ўзгандаги макбаралар мажмуасида (XI аср) ҳам кузатиш мумкин: Унда дастлабки – ўртадаги макбара соф марказий композицияда сўнги – жанубий макбара фронтал композицияда қурилган оралик даврда бунёд бўлган шимолнинг макбаралари ҳам марказийлик ҳам фронталлик белгилари акс этган.

Ўзган мажмуасидан олдин зикир этилган. Макбараларнинг киравериш томонларини бадиан ҳал этиш нуктаи назардан қаралса ҳам Араб ота макбараси Сомонийлар макбарасига яқинроқ. Яқинлиқ қамойлар (равон тепасидаги кўш учбурчак шакли) тузилишида равоотак қўлланилишидир. Қамойларнинг марказарида нақшлар урғу шакли берилган Сомонийлар Макбарасида динамик квадрат, Араб ота макбарасида эса – ҳалқа шаклида берилган. Ўрта Равоқдан ташқил топган равоотак Араб ота макбарасининг асосини ташқил этишда фаворит роль ўйнайди. Сомонийлар макбарасида равоотак (ўн равоқ) тарзларни тепалик ниҳолловчи хошия вазифасини ўтайди.

Сомонийлар ва Араб ота макбараларининг гўмбазостки конструкциялари саккизёнликларда ҳам умумийлик бор. Иккисида ҳам декоратив устунчалар мавжуд. Сомонийлар макбарасидаги устунчалар гипсдан ишланган бўлиб, архитектуроник кўринишга эга. Араб ота макбарасида эса устунчалар “осилиб” туради, яъни улар фақат безак вазифасини ўтайди.

Араб ота макбарасининг иккинчи конструктив тузилиши етакчилиги унда мукарнасининг нафақат ўрта Осиёда, балки умуман жаҳон (Машрик ва Мағриб) меъморлигида дастлабки даврда қўлланилганлигидан далолат беради. В.Варонини бўйича мукарнас XI асрдан Шайх (Эрон)да ва Ғарб(Машрик)да тарқалиш бошлаган (1-2-бет). Араб ота макбарасидаги сана - 977 йил (X аср). Бу ўринда Мукарнасининг белгиларини ажиратиб олиш жонг. Мирзо Улуғбек замондоши Ғийсиддин Кошӣй (XV аср) берган таърифидан маълум бўладики, мукарнас кося (равоқча)лар бир кеча, қамида икки қатор тарикасида бириккан тизими бўлиб, пастлагги қосалар қатори юқоридаги қосалар қаторини кўтариб туради (2) Араб ота макбарасида саккизёнликнинг ҳар бир тур

бурчаклиги гўмбазостки таянч конструкцияларида зикир этилган шартларнинг ҳаммаси мавжуд бўлиб, ҳар бири мукарнасининг тежиривувчи, бирламчи ҳажимларни ташқил қилади. Макбаралари мукарнасларнинг ҳар бири икки паноладан иборат, иборадан қоса-равоқнинг икки оёғи (томони) пастки паноладан чекка ярим равоқларга таянтирилган. Бунинг натижасида икки панолини эгаллаган уч бўлак (русча-лопасть)ли қатта равоқ ҳосил этилган. Танадаги равоқ ва пастлагги равоқлар ичлари цилиндр қамида сфера сирғилари бўлакларидан ҳосил этилган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, мукарнас кенг маънода –декоратив унсурдир. Дастлабки, тарқала бошлаган даврда мукарнас конструкция маънога эга бўлган. Унинг ўзига хос жойибаси меъморлар томонидан кейинчалик қайта этилган, у фақат безак тарикасида қўлланилиб келган. Араб ота макбарасининг мукарнаси дастлабки даврга тегишли бўлиб у конструктив тизимда бунёд бўлган. Бошқа шундай тийнاتган мукарнаста яна мингол тарикасида Ҳазора кишлоғидаги Девтарон масжидида ишланган мукарнасани (балхӣй гўмбаз остиданги гипстин конструкциясини) келтириш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тимдаги Араб ота ёлғорини ўрта Осиё маъмуриятидаги дастлабки макбаралардир. Унинг олд тарзи қисми кейинчалик маъмурий шакл-ишторикни шаклланишга таъсир кўрсатди. Макбаралари меъморлик тарихида дастлабки бир мукарнас қўлланилди.

Ғ.Эшманов, М.Мирюсупова

Тошкент архитектура-қуриш институтини доцентлари. "Бинокор" газетасида чоп этилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Всеобщая история архитектуры в 12 томах. Т.8, М.:1989
2. Джамшид Гийос-ол-дин ал-Коши. Ключ арифметик Трактат об округности. М: 1956

КУРИЛИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАР

Қадимги ёзувларда мамлакатимизда хусусан, Самарқанд вилоятида IX-X асрларда жуда кўп иншоотлар қурилгани ҳақида маълумотлар бор, ammo бу иншоотларнинг фақат бир қисминини бизгача етиб келган.

Уша вақтларда саройлар ва калъалар, қарвон-саройлар ва савдо рastaлар, маъитлар, медресалар ва макбаралар ўзига хос ва бениҳоя мураккам архитектура кўринишида бўнёд этилган. Қурилиш, асосан, лойдан, пахса қисмларидан ва пиштилган гипслардан фойдаланарди. Бунда ёғоч устунлар ва ясси деворлар IX-X асрларда кенг қўлланиларди. Пахса-ёғоч қурилмавларида пишган гипт иккинчи даражали ўринда эди. Аммо айнан шу даврда фақат пишган гиптдан қурилган ажойиб иншоотлар пайдо бўлди. Бу ўзгаришлар шу давр учун янги ва илғор ютуқ эди. IX-X асрларда қад рoстлаган турли иншоотлар орасида макбаралар яхшироқ ўрганилган. Ҳозирги кунда шулардан тўрттаси маълум: Бухородаги Саманийлар макбараси, Тимдаги Араб-ота макбараси, Қармидаги Мирсаид-Баҳром макбараси ва Узун атрофидати Ок Астана-бобо макбараларидир.

Саманийлар макбараси ўрта Осиёда ўрта аср иншоотларидан эканлиги тан олинган. Уни тузилиши жуда содда: куб шаклидаги ҳажмли гўмбаз билан жуқланган. Қурилма улкан эмас, ammo салобатли таасурот қолдиради. Шу билан бирга горизонтал ва вертикал қисмларнинг бир-бирига уйғунлик билан бирлашиши ва ажойиб нақш билан безатилиши тарихий обидани гўзал ва нозик қилиб яратилгани таъминланган. Бино ташки қиёфасининг ҳамма томони бир хил безатилган. Макбаранинг устки қисминини кўргазмали арк қоплаган. Пастки қисми эса учта вертикалда бўлинган: қурилма бурчаклари ҳашаматли устунлар; маркази бўйлаб-ўғри бурчакли ром учига олинган арка қириш қисмларидан иборат. Қириш қисмлари ўзининг маҳсус бўлинишларида эга бўлиб: бурчак устунларида таянган иккита қирайиб борувчи арка кўринишида ечим топган бўлиб, чуқурлик таасуротларини оширади.

